

## Ҳазрати Умарнинг адолати



12:36 / 23 сентябрь 755

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ҳақларида сўз кетганида, у кишининг адолатлари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишнинг ўзи қизиқ туюлади. Зеро, дунёда Умар ва адолат сўзлари бир-бирининг ўрнига ишлатса ҳам бўладиган даражага бориб қолган. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг ҳар бир ишлари адолатдан иборат бўлган. Кўпчилик ҳазрати Умар розияллоҳу анҳуни эслаганда «Умари одил» демаса, қандайдир камчиликка йўл қўйгандек туюлади.

Шундай бўлса ҳам, ҳозирда адолатга муштоқлик кучайганлиги учун, кишиларда одил раҳбар қандай бўлганини билиш истаги кучайганлиги учун ва қадимги китобларимизда ҳам «Ҳазрати Умарнинг адолати» номли сарлавҳаларни кўрганимиз учун бу мавзуга алоҳида мурожаат қилишни маъқул топдик.

Ибн Асокир, Саъид ибн Мансур ва Байҳақийлар аш-Шаъбийдан ривоят қиладилар:

«Умар билан Убай ибн Каъб (хурмо) талашиб қолдилар. Умар:

«Ўртамизда (ҳукм қилиш учун) бир одам танла», деди. Икковлари ҳам Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳуни танлаб, унинг олдига бордилар. Умар:

«Ҳузурингга ўртамизда ҳукм чиқаргин, деб келдик. Ҳукм уйда берилур», деди.

Улар киришгач, Зайд тўрдан жой кўрсатиб:

«Бу ёққа, эй мўминларнинг амири», деди. Умар унга:

«Бу биринчи жабрдир. Ҳукмингда зулм қилдинг. Мен талашган одам билан бирга ўтиришим керак», деди.

Икковлари унинг қаршисига ўтирдилар. Убай даъво қилди, Умар инкор қилди. Шунда Зайд Убайга:

«Мўминларнинг амирини қасам ичишдан афв қил. Мен бу нарсани ундан бошқа учун илтимос қилмайман», деди.

Ана ўшанда Умар қасам ичиб, Умар билан авом халқдан биттасини тенг кўрмагунча, Зайд қози бўлмаслигини таъкидлади».

**«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 23-жузидан олинди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5165 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.